

## БЕХБУДИЙ АСАРЛАРИНИНГ ТИЛИ ВА УСЛУБИ

*Рахматова Дилафруз Нусратиллоевна**Самарқанд давлат чет тиллар институти ўқитувчиси*

**Аннотация:** Маҳмудхўжа Беҳбудий XX аср бошидаги жадид ҳаракатининг энг пешқадам сиймоларидан бири бўлиб, жуда кўпгина соҳалар бўйича дарслик ва илмий мақолалар яратган. Жумладан, тилшунослик фани соҳасида ёзган бир қатор мақолалари ва айрим дарсликларидан берилган тилга оид фикр-мулоҳазаларни чуқур ўрганиш ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Шунингдек, Беҳбудий асарларининг тили ва услубини давр нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш – долзарб вазифалардан биридир.

**Калит сўзлар:** Туркистон ўлкаси, жадидлар фаолияти, лисоний қараш, антропоцентриа тушунчаси, стилистик, лингвокультурологик, психолингвистик, лингвокогнитив, лексик қатлам, персонажлар тили.

Жаҳон тилшунослигида бугунги кунда халқларнинг миллий руҳини ифодаловчи миллий-маданий мазмунга эга асарлар тилини ўрганишга стилистик, лингвокультурологик, психолингвистик, лингвокогнитив ва социолингвистик жиҳатдан ёндашиш, асарларда қўлланилган лисоний бирликларнинг этномаданий хусусиятларини аниқлаш устувор вазифалардан ҳисобланади. Дунёнинг етакчи илмий марказларда ҳозирги пайтда бадиий асарлар матнларини антропоцентрик йўналишда тадқиқ қилишнинг оммалашаётганлиги турли маданият вакилларининг лисоний қарашлари яхлитлашаётганидан далолат беради. Шу нуқтаи назардан, миллий тилларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ривожига ҳисса қўшган асарлари тили ва услубий хусусиятларини тадқиқ этиш, ўз навбатида, бундан дунё илмий жамоатчилигини хабардор этиш заруратини юзага келтиради.

Мамлакатимизда мустақилликдан сўнг жадид маърифатпарварлари фаолиятига кенг эътибор қаратилган бўлса-да, асарларининг тили ва услуби, фонетик-грамматик жиҳатлари, лексик қатлами тадқиқи ниҳоясига етказилмаганлиги ўзбек тилшунослигининг ҳал этилиши шарт бўлган долзарб масаласига айланди. Бинобарин, “Самарқанд тупроғида вояга етган Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдуқодир Шақурий, Сиддиқий-Ажзий, Ҳожи Муин, Абдулҳамид Мажидий сингари ўнлаб маърифатпарвар фидойиларнинг қолдирган ўлмас мероси бугунги кунда ҳам маънавиятимизни юксалтириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда муҳим манба”<sup>1</sup> ҳисобланади. Миллий қадриятларимизни тиклаш ишларида буюк боболаримиз яратган меросга аҳамият қаратиш муҳим.

Шу ўринда алоҳида қайд этиш лозимки, бадиий матнлар ўзи яратилган давр тили, тилнинг грамматик қурилиши, луғавий таркиби, функционал-стилистик хусусиятлари тўғрисида маълумот берувчи муҳим манба ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан Беҳбудий асарлари, хусусан, “Падаркуш” драмаси ҳам адиб яшаган давр ижтимоий-сиёсий ҳолати баробарида ўша давр тили тўғрисида муайян тасаввур уйғотади.

Драманинг тили ва услубий хусусиятлари ҳақида гап кетганда, унинг ёзилишига сабаб бўлган омилларни эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Рус босқинчилиги оқибатида Туркистон халқлари орасида юзага келган авомлик, саводсизлик, русларнинг маиший турмуш тарзи халқимиз маънавий муҳитига таъсир қилмасдан қолмаган, албатта. Аҳволни бошқалардан кўра аввал пайқаган зиёлилар уни баргараф этиш ва оқибатларини халққа тушунтириш чораларини излаганлар.

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б.178.

Биобарин, Махмудхўжа Бехбудийнинг “Падаркуш” асари ҳам шу мақсадда ёзилган асардир. Аммо муаллифнинг олдида қатор муаммолар турган. Ҳали ўзбек драматургиясининг шаклланмаганлиги, драматик асарлар ёзиш борасида тажрибанинг йўқлиги, халқимиз бу каби сахна асарларини кўришга тайёр эмаслиги кабилар ана шундай омиллардан ҳисобланади.

Лекин шунга қарамасдан, Бехбудий бу масъулиятни ўз зиммасига олди. Халқ ҳаётидаги маънавий таназзулни англатишнинг ишончли йўли ижтимоий ҳаётнинг бир парчасини сахнага олиб чиқиш орқали одамлар онги ва руҳиятига таъсир ўтказиш деб билди.

Бундай асарни яратишнинг ўз талаблари бор, албатта. Энг аввало, асар содда халқ тилида ёзилган ва омма учун тушунарли бўлиши керак эди. Аммо асар ёзилган пайтлар – XX асрнинг бошларида Туркистонда, бир томондан, араб ёзувининг амалда бўлганлиги, иккинчи томондан, динга қарши кураш ниқоби остида бу ёзувда яратилган илмий ва бадий мероснинг ўрганилишига таъқиқ қўйилганлиги вазиятни мураккаблаштириб қўйган эди. Халқнинг жонли сўзлашув тили билан матбуот ва бадий тил ўртасида маълум маънода тафовутлар пайдо бўлган эди.

Бехбудий учун образли бадий тасвири жўн бир тилда тушунтириш мақсадга мувофиқ бўлмагани каби, драмадаги персонажлар тилини сунъий тарзда баландпарвоз жумлаларда ифодалашнинг ҳам имкони йўқ эди. Аммо ижодкор бунинг уддасидан чиқди, оралик йўлни танлади. Асардаги ҳар бир образнинг ахлоқий-маърифий вазифасини аниқ белгилаб олиб, уларнинг ҳар бирини ҳаётдаги мавқеи ва даражасига мос тилда гапиртирди.

Масалан, Бехбудий асарни ёзиш билан халққа етказмоқчи бўлган асосий ғоялари ва фикрларини бадий образлар – зиёли ва домла нутқида кўчирди. Бу масаланинг мазмун томони дейдиган бўлсак, шакл томони – уларнинг тили ҳам даврнинг ўқимишли кишиларига хос тарзда танланди.

Драма қахрамонларини кўздан кечириб, “Падаркуш”даги ҳар бир образ ҳам бадий, ҳам тил жиҳатдан пухта ишланган, деган фикрга келамиз. Уларнинг ҳар бири ўз тили ва гапириш услубига эга. Масалан, драмадаги Зиёли образини олайлик. Зиёли русча ўқиган, турмуш тарзи ҳам русча дейиш мумкин: европача кийинади, папирос чекади ва ҳоказо. Аммо муаллиф асосий урғуни унинг миллатчи (миллатпарвар) мусулмон эканлигига беради. Бу образ ҳақидаги дастлабки таассуротлар ана шу тасвирилар сабабли пайдо бўлса, унинг тўлақонли тасавури тили орқали юзага чиқади. Бехбудий ўз давридаги замон руҳига мослашиб бораётган авлодга хос хусусиятларни шу образ хатти-ҳаракатлари, нутқи, атрофдагиларга муносабати орқали очиб беришга интилади.

Маълум бўладики, драматик асарнинг тили бошқа матнлардан фарқ қилади ва баёндаги тафсилотларнинг кўпчилиги пресонажлар нутқи зиммасига юклатилади. Бу билан асар муаллифи ортиқча изоҳлардан халос бўлади. Воқелик ифодасининг ушбу шакли, айти пайтда, томошабинни ҳам ҳар бир бадий образ юзасидан мулоҳаза қилишга ундайди.

Асар XX бошларида бадий-публицистик услубда истеъмолда бўлган ўзбек тили манзарасини тасаввур қилишга ҳам имкон беради.

Ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўзгаришларни кузатган адиб онги ва шууридаги янги давр ғояларини образлар тили орқали намоён этиш ёзувчи маҳоратининг белгисидир. Жадидшунос олим академик Наим Каримовнинг таъкидига кўра, Бехбудийнинг мақоланавислик фаолияти 1903 йилдан бошланган.<sup>2</sup>

Ўша даврлардан бошлаб Бехбудий ўзбек публицистикасининг ривожига катта ҳисса қўшди. Унинг публицистик услубида намоён бўлаётган ижтимоий ҳаётга фаол муносабат, долзарб муаммолар ечимига ҳозиржавоблик, ўткир ва таъсирчан нотиклик аста-секинлик билан ҳам ёзма, ҳам оғзаки кўринишлари шаклланиб борди.

<sup>2</sup> Каримов Н. Махмудхўжа Бехбудий. – Тошкент: Маънавият, 2010. – Б.35.

# ILM FAN YANGILIKLARI KONFERENSIYASI

1-MART

ANDIJON, 2024

Зеро, “Туркистонда ислохот”, “Турк адами марказият (федералист) фирқасининг маромномаси”, “Ш Думанинг алладуои эхтиром мусулмон фракцияси рижоли мужоҳидлари мажлисларида”, “Государственная дума – миллат мажлиси хусусида” каби сиёсий мақолаларида ҳозиржавоблик, ижтимоий ҳаётга муносабат ёрқин намоён этилган бўлса, “Илмнинг фойдаси ҳақинда”, “Самарқанд усули жадид мактаби хусусида”, “Икки тил эмас тўрт лозим”, “Муҳтарам ёшларга мурожаат”, “Ҳақ олинур, берилмас” каби мақолаларида тарғибот-ташвиқот, таъсирчанлик хусусиятлари ўз аксини топди. Беҳбудий публицист сифатида муҳим ҳаётий масалаларни чуқур мулоҳаза, далил ва асослар билан тушунтириш ва исботлай олиш маҳоратини эгаллади.

Мутафаккирнинг тилдан фойдаланишдаги маҳоратида ҳам алоҳидаликлар тез-тез кўзга ташланади. Масалан, “Ойина” журналининг 1913 йил 21 декабридаги №9 сонидан унинг “Лойиҳа-проект” мақоласи эълон қилинган. Мақоладаги Эртага бизни **варасамиз, иёлимиз, сағиримиз** судя маҳкамалари ва закўнчи эшиклари ва закўнчиларни кўмиссияхўри мусулмон даллоллари кўлиға ва йўлиға барбод бўлурлар гапидаги варасамиз, иёлимиз, сағиримиз сўзлари авлодимиз маъносини ифодалаётган бўлса-да, муаллиф услубидаги қатъиятга мос тарзда бу тил бирикларининг уюшиб келиши гапда оҳангдорлик, экспрессивликни пайдо қилган.

Шунингдек, гапдаги судя маҳкамалари, закўнчи эшиклари, закўнчиларни кўмиссияхўри, мусулмон даллоллари жумлалари битта умумий грамматик вазифада бирлашиб, синтактик параллелизмни ҳосил қилган. Бу каби синтактик такрорлар матн поэтикасида таъсирни кучайтирувчи лингвистик восита бўлиб хизмат қилади. Тилнинг “эмоционал-экспрессив воситалари” муаллифнинг бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муносабати билан боғлиқ бўлиб, унинг дунёқараши ва эстетик принципини назарда тутди.<sup>3</sup>

Лексик ранг-баранглик устунлик қилган Беҳбудий публицистик услубида жамият, давлат, ирк, миллат, исён, ҳуқуқ, фалсафа, Государский Дума (баъзи ўринларда Государственный Дума), идораи марказия, фирқа, қурултой, маршрута (конституция), истинтиқо (тергов) каби ижтимоий-сиёсий ва юридик терминология фаол ишлатилган.

Бундан ташқари, адиб қаламига мансуб публицистик матнларда қўлланган мушарраф, муаззам, миллатпарвар, меҳнатқаш, хуррияти шахсия, муҳофазати байтия каби сўз ва бирикмалар воқеа ва ҳодисалар тавсифидаги экспрессив бўёқдорлик билан боғлиқ.

XX аср бошларида ижтимоий тузумда содир бўлган ўзгаришлар, албатта, тилнинг лексик бойлигига ҳам таъсир қилмасдан қолмаган. Бунинг акси Маҳмудхўжа Беҳбудий публицистикасида ҳам кузатилади.

Хуллас, Маҳмудхўжа Беҳбудий қолдирган бой илмий-бадиий-публицистик мерос нафақат XIX асрнинг охири ва XX аср бошларидаги Туркистон зиёлиларининг инқилобий ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий қарашларини, айни пайтда, ўз даври ўзбек тилининг ҳақиқий лисоний манзарасини ҳам ўзида акс эттирганлиги билан характерланади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б.178.
2. Каримов Н. Маҳмудхўжа Беҳбудий. – Тошкент: Маънавият, 2010. – Б.35.
3. Шомақсудов А.,Расулов И.,Қўнғуров Р.,Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. –Б.27-28.

<sup>3</sup> Шомақсудов А.,Расулов И.,Қўнғуров Р.,Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1983. –Б.27-28.

# ILM FAN YANGILIKLARI KONFERENSIYASI

1-MART

ANDIJON, 2024

4. Салоксиддинов, М. (2020). Перевод синтаксических единиц, представляющих состояние времени, с английского на узбекский. Иностранная филология: язык, литература, образование, (1 (74)), 164-168.
5. Шамурадова, Н. М. (2023). KAUZALLIKNING INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA IFODALANISHI. МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА, 6(4).